

## БАРҚАРОР ТИНЧЛИК ВА ЎЗАРО МАНФААТЛИ ҲАМКОРЛИК УЧУН

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИ ИСЛОМ ҚАРИМОВНИНГ ЕВРОПАДА ХАВФСИЗЛИК ВА ҲАМКОРЛИК КЕНГАШИГА АЪЗО МАМЛАКАТЛАР ДАВЛАТ БОШЛИКЛАРИНИНГ БУДАПЕШТДА БУЛИБ УТГАН КОНФЕРЕНЦИЯСИДА СЎЗЛАГАН НУТҚИ

Муҳтарам раис!  
Хонимлар ва жаноблар!  
Утган давр мобайнида Европада Хавфсизлик ва ҳамкорлик кенгаши тузилмаларидаги ҳамкорлигимизни танқидий қўз билан таҳлил қилар эканмиз, биз мазкур кенгашнинг мақсад ва дастурий вазифалари Ўзбекистон манфаатларига тула мос келишига яна бир бор амин бўламиз.

ЕХХК доирасидаги куп томонлама мулоқотлар биз -- янги мустақил давлатлар учун демократик янгиланиш ва эркин бозор иқтисодиёти қурилишининг мураккаб йўлини босиб утган мамлакатлар қўлга киритган мислсиз тажрибадан баҳраманд бўлишда кенг имкониятлар очди.

Ҳозирги замон шароитида ЕХХК ўрнини босадиган бирон-бир ташкилот йўқ. Бошқа минтақаларда ЕХХК сингари тузилмалар барпо этиш лозимлиги хусусида пайдо бўлаётган турли-туман фикрлар ҳамда бундай тузилмалар тузишга уринишларни биз ноқонуний деб ҳисоблаймиз. Чунки, мубҳам, аниқ қиёфага эга бўлмаган бўндай лойиҳалар, мўлаёим қилиб айтганда, Умуеврова ҳамкорлиги борасида вужудга келётган ижобий жараёнлар ҳамда бу жараёнларга бошқа минтақаларни ҳам тортишига кўмаклашмайди.

ЕХХК демократияни мустақамлаш ва давлатлар ўртасида ишонч қоралари масалаларида шундай универсал тамойил ва йўналишларни ишлаб чиқиш, ўз фаолиятида фойдаланмоқдаки, бугунги кунда бутун-бутун минтақалар бу тамойил ва йўналишларга амал қилишдан манфаатдорлар.

Мисол учун, бугунги кунда минг йилликлар давомида шаклланган тарихий, иқтисодий, маънавий тараққиёт борасида бир-бири билан чамбарчас боғлиқ бўлган юздан ортиқ турли миллат ва эл-таваккаллар истиқомат қилаётган Марказий Осиё минтақасини олиб кўрайлик.

Табииники, бундай ноёб шароитда бу минтақаларда давлатларда янги ижтимоий муносабатларни шакллантиришда барқарорлик, тинчлик, бу ерда истиқомат қилаётган кишилар ўртасидаги миллатлараро ва фуқаролик тотувлиги энг муҳим қоғалат ва мустақам пойдевор бўлиб хизмат қилади.

Бироқ, айни пайтда биз Марказий Осиёнинг улкан табиий-ҳомашё, стратегик ва жўроғий-сиёсий геополитик салоҳиятини ҳисобга олган ҳолда, унинг таъсир доираси ва кўчлар мутаносиблигини сақлаб қолиш ҳамда тақсимлаш учун ўзаро кураш майдонига, Европа мамлакатларига ҳам хавф тутирдирган, нарқобизнес ва қурол савдоси кенг тарқалган минтақаларга айланган бўлаётганини ҳам кўрамизми? Мумкин эмас.



Вужудга келган бу мураккаб шароитда бизнинг мустақиллигимизни ҳамда янги даврдаги давлатлар суверенитетини мустақамлаш саъй-ҳаракатларини қўллаб-қувватлашда, утмишни соғиниш хусусида тобора кучайиб бораётган майлларнинг олдини олишда, сиёсий ва иқтисодий ислохотларнинг мустақамлашида ЕХХК ва бошқа халқаро ташкилотларнинг ҳар томонлама қўллаб-қувватлаши алоҳида муҳим аҳамият касб этади.

Афғонистонда давом этаётган фуқаролар уруши, Тожикистон-Афғонистон четарасидаги кескин вазият ва Тожикистоннинг ўзидаги нотинчликни ҳисобга оладиган бўлсак, ҳудудпарастликнинг босқичли кириш хавфига йўл қўймадик биз учун ҳаётини аҳамиятга эгадир.

Бугунги кунда Ўзбекистон жамиятини қайта қуриш, кишиларнинг сиёсий ва миллий онги, янги демократик қадриятлар тикланиши ва мустақамлашичи сингари қийин, бироқ табиий жараёни бошдан кечирмоқда. Мамлакатда очик демократик давлат қуриш, бозор муносабатларини шакллантириш жараёни изчиллик билан бормоқда.

Мустақилликка эришганимиздан кейин утган уч йил биз танлаган йўл туғри эканини кўрсатди. Биз утказаетган ислохотларнинг моҳияти, энг аввало, иқтисодиётни мафқурадани холи қилиш, унинг сиёсатдан устунлиги, бизнинг шароитимизда «фалаж қилиб даволаш» деб аталмиш усулни қўллаб бўлмаслиги, энг муҳими, кучли ижтимоий сиёсатни амалга ошириш, ўтказилган ислохотларнинг изчиллиги ва босқичма-босқич амалга оширилишини таъминлашдан иборат.

Демократия ва бозор ислохоти йўлидан мувафқият билан юриш учун минтақанинг ўзига хос хусусияти, яъни, айтган бўлардимки, маданий-тарихий заминини, шунингдек, халқимизнинг руҳини яхши билиш ва ҳи-

собиға олиш талаб қилинади.

Биз кишилар тафакқури ва уларнинг хусусий мулк ҳамда демократик қадриятларга муносабатини тубдан ўзгартирмай туриб, ислохотларнинг мувафқиятини таъминлаб бўлмаслигини яхши биламиз. Бу ўринда ўн йилликлар давомида ҳўкм сурган тоталитар тузум даврида бир неча авлод бу қадриятларга мутлақ бенисанлик руҳида тарбияланганини ҳам эътибордан соқит қилиб бўлмайди.

Биз ЕХХКнинг минтақамиздаги аҳамияти ва нуфузининг янада мустақамлашиши, «Тинчлик йўлидаги ҳамкорлик» дастурига фаол иштирок этиш -- ҳодисалар номақбул йўналишининг олдини олиш ҳамда тикланиш жараёнини демократик ислохотларнинг амалий ўзани сари йўналтириш учун зарур имконият яратишига аминимиз.

Энди ЕХХКкек ноёб анжуман фаолиятини янада тақомиллаштириш юзасидан бир неча мулоҳазамни баён этмоқчиман.

Совуқ уруш тамом бўлгани ва СССР тарқаб кетганидан кейин халқаро майдонда давлатларнинг янги тури -- иқтисодий ўтиш давридаги мамлакатлар пайдо бўлганини эътироф этиш лозим.

Шу муносабат билан, назаримизда, ЕХХК, шунингдек Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг иқтисодий дастурларида мазкур мамлакатлар иқтисодини жаҳон иқтисодиёти билан мувофиқлаштириш масаласига кўпроқ аҳамият берилиши зарур. Бу мамлакатларга нисбатан ёндошуларда ва уларга берилган баҳоларда гоҳу кўзга ташланган қолдиган кескинликни юзага келтирувчи фикрлаш асосатида бутунлай воз кечиш керак.

Яна бир мулоҳаза. Равшанки, ЕХХКга фақат Европа мамлакатларига аъзо эмаслигини унутмаслигимиз лозим. Бироқ, бутун мунозаралар асосан Европадаги

вазият ҳақида бўлаётганини таассўф билан таъкиллашга туғри келади. Мен бу фикрнинг бугунги Европанинг хавфсизлиги фақат Европадаги осойишталиккагина эмас, балки унинг атрофидаги минтақалар барқарорлигига ҳам боғлиқлигини аниқ англаётганим учун таъкиллаяман.

ЕХХК фаолиятида минтақавий ҳамкорликни мувофиқлаштириш ва ривожлантириш масалалари тобора кўпроқ ўрин эгалламоғи лозим. Тарих тақозоси билан ёнма-ён яшагга маҳқум бўлган давлатлар ва миллатлар ўртасидаги ҳамкорлик -- улар ўртасидаги ўзаро ишончнинг мустақамлашиши, ҳозирги замонда тобора йўқ олиб кетаетган миллатлараро ва минтақавий қурашлар ва урушлар хавфини бартраф этишнинг энг муҳим омил ва воқитасидир.

Собиқ СССР ҳудудидаги минтақавий ва миллатлараро қарама-қаршилиқлар олови аналганлигининг асосий сабабларидан бири -- ўтмишнинг оғир асоратларидан ташқари, бугунги кунда жула кўп йўқотилган мутлақ бўлган кишиларнинг тенгсизлиги ва оғир моддий аҳволи эканини ҳам ҳисобга олиш муҳимдир.

Бугун ЕХХК эътиборини яна бир бор Тожикистондаги аҳволга қаратмоқчи эдим. Салмоқли халқаро инсонпарварлик ёрдамисиз бу мамлакатнинг беш миллионли аҳолиси қишдан қиқиши қийин.

Биз ЕХХКнинг бугунги кунда қон тўкилаётган минтақаларда тинчлик ўрнатилишидаги етакчи ўрнини янада мустақамлаш тарафдоримиз. Гап ЕХХКнинг тинчликпарварлик вазифасини амалга оширишдаги халқаро меъёрларга мувофиқ тарзда мождароларнинг олдини олиш ва уларни бошқаришдаги аҳамиятини кучайтириш, шу мақсадларда ЕХХК доирасида зарур тузилмалар барпо этиш лозимлиги ҳақида бормоқда.

Бизнингча, мождаролар бўлаётган жойлардаги барча тинчликпарварлик ишлари

фақатгина ЕХХК мандати бўйича амалга оширишмоғи керак.

Назаримизда, давлатларнинг умумий қирғин қуролларини тарқатмаслик ва, айтган бўлардимки, бу қуролларнинг сайёрамиз бўйлаб ёйилишига йўл қўймадик юзасидан олган мажбуриятларига қатъий риоя этишларига эътиборни кучайтириш зарур.

Биз учинчи мамлакатларга замонавий қурол сотишда янада қаттиқроқ меъёрлар ўрнатилиши зарур, деб ҳисоблаймиз.

Ҳозирги пайтда ҳаётнинг ўзи қарор чиқарувчи ташкилотлар, шунингдек ижроия органлари, хусусан ЕХХК Бош қотиби нуфузини мустақамлашнинг тақозо этмоқда.

Бугунги кунда айрим минтақаларда алоҳида кескинлик касб этаётган камсонли миллатлар масаласи ҳақида бирикки оғиз гап. Бизнинг Конституциямиз, қонунчилигимиз ва кундалик ҳаётимиз миллати ва диндан қатъи назар Ўзбекистон ҳудудида яшаётган барча кишиларнинг ҳўқуқ ва мажбуриятлари тенглиги учун зарур шароит яратиб берган.

Биз бундай сиёсатнинг туғрилиги ва ҳаётийлигини Европа давлатлари мисолида кўриб турибмиз ҳамда худди шундай ёндашуви амалга оширилиши олдимизда турган муҳим вазифалардан деб биламиз.

Биз қўш фуқароликни тақозо этадиган турли-туман тақлифларни қабул қилолмаймиз, чунки, қўш фуқаролик аҳолининг маълум қисмига устунлик бериб, мамлакатдаги ички барқарорлик ва тотувлик мувозанатини издан чиқариши, номақбул оқибатларга олиб келиши мумкин.

Айтмоқчи бўлган сўнги мулоҳазам шундан иборатки, ЕХХК экология муаммоларига эътиборни кучайтириши зарур, деб ҳисоблайман. Бу муаммолар ҳозирги замонда айрим миллатлар муаммосига бўлиб қолгани йўқ. Орол денгизи фожiasi барчага маълум. Бу фожиа инсонлар соғлиғига таъсир кўрсатмоқда, бундан ташқари номақбул ирсий ўзгаришларга олиб келмоқда. Бу ҳодиса минтақавий доирадан чиқиб, умумзамин муаммосига айланганига анча бўлди. У бугунги кунда бутун Евроосиё минтақасидаги муҳит мувозанатини жиддий тарзда бузмоқда.

Мен яна бир қарра жаҳон ҳамжамиятини ЕХХК сингари нуфузли ташкилот раҳбарлигида Орол муаммоси билан амалий равишда шуғулланишга, табиат ва бутун-бутун авлодлар салолатлигини сақлаб қолишга даъват этман.

Бўсағалда турганимиз янги минг йилликни инсоният қандай кутиб олиши ҳар бир халқ, ҳар бир мамлакат ҳамда бутун ҳамжамиятнинг саъй-ҳаракатига бевосита боғлиқдир. Мана шу буюқ вазифаларга муносиб бўлайлик.

Эътиборингиз учун ташаккур.

## ПРЕЗИДЕНТ ТОШКЕНТГА ҚАЙТИБ КЕЛДИ

6 декабрь куни Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Қаримов Будапештдан Тошкентга қайтиб келди.

Аэропортда мамлакатимиз Президентини Рес-

публика Олий Кенгаши Раиси вазифасини бажарувчи Э. Халилов, Республика Бош вазири А. Муталов, Бош вазирнинг биринчи уринбосари И. Жўрабеков, Президент-

нинг Давлат маслаҳатчилари Т. Алимов, Б. Гуломов ва Тошкент шаҳри ҳокими К. Тўлаганов кутиб олди.

(УЗА)

## АСОСИЙ ҚОНУНИМИЗ ТАНТАНАСИ



А. ЗУФАРОВ (УЗА) олган сўра.

7 декабрь куни пойтахтимиздаги муҳташам «Туркистон» саройида Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 2 йиллигига бағишланган тантанали йиғилиш бўлди. Йиғилишни Тошкент шаҳар ҳокими К. Тўлаганов очди. Ўзбекистоннинг Давлат маҳдиси янгради.

Республика Президенти Ислам Қаримов йиғилишда сўзга чиқди.

Бугун мустақил диёримиз тарихидаги энг улғу саналардан бири -- Асосий қонунимиз қабул қилинган куннинг икки йиллигини нишонлаётимиз, деди Президент. Зеро, Конституция жамият ҳаётининг пойдевори, мамлакатимизда қарор топган тинчлик, осойишталик ва миллатлараро тотувликнинг асосидир. Ишонаманки, унинг кеаётган кунимизга таъсирини, озодлигимиз, эркинлигимизнинг ҳўқуқий қафолати эканини шу муқаллас заминда яшаётган ҳар бир фуқаро сезиб, ҳис этиб турибди.

Мен кеча йирик халқаро ташкилот -- Европада Ҳамкорлик ва хавфсизлик кенгашининг Будапештда ўтган мажлисида иштирок этиб келдим. Шуниси диққатга сазоворки, жаҳондаги 53 та давлатни ўзида бирлаштирган мазкур кенгаш ишида Ўзбекистоннинг ҳам тенг ҳўқуқли аъзо сифатида қатнашиши барчамизни қувонтирди, бу Ватанимизнинг дунёда ўз ўрни, овозига ва нуфузига эга бўлиб бораётганидан шаҳодат беради.

Баъзиларда Ўзбекистон Осиё қитъасида бўлса, Европада Ҳамкорлик ва хавфсизлик кенгашида иштирок этишидан қандай манфаат бор, деган савол туғилиши мумкин, деди Ислам Қаримов. Аввало, шунини таъкиллаш керакки, 1975 йилда 33 давлат иштирокчида ташкил топган бу халқаро кенгаш таркиби йиллар оша кенгайиб бормоқда. Мономики, биз янги жамият, овоз ва обод ватан қурмоқчи эканмиз, жаҳондаги, хусусан, Европадаги мутараққий давлатлар тажрибасидан имкони борича фойдаланмоғимиз керак. Бундан ташқари, ана шу давлатларнинг иқтисодий салоҳияти, ривожланиётган мамлакатларга ёрдам бериш имкони бағоят катта. Бунинг ҳам эътибордан соқит қилмаслик керак. Муҳими, мазкур халқаро ташкилотнинг асосий мақсади, нафақат Европада, балки бутун дунёда осойишталик, тинчликни қарор топтириш, моддий фаровонликка эришмоқ бўлиб, бу гоёлар бизнинг энг олий мақсадларимиз билан муштаракдир. Қолаверса, ана шундай улкан анжуманларда фаол иштирок этиш, давлатга жаҳон аҳлини ўз овози, нияти ва сиёсати билан воқиф этиш имкони беради. Обруйига-обру қўшади.

Биз бу кенгаш ишида қатнашар эканмиз, қандай масалаларни ўртага қўйлик? Биринчидан, Европада Ҳамкорлик ва хавфсизлик кенгаши фақат Европада доир муаммолар билан чеқланиб қолмаслик, балки Марказий Осиёда ташкил топган мустақил давлатлар, уларнинг муаммолари билан ҳам изчил шуғулланиш керак, деган тақлифни айтдик. Хусусан, собиқ Югославиядаги мамлакатлар билан бир қаторда оғир вазиятни бошдан кечираётган Тожикистонга ҳам инсонпарварлик ёрдами ажратилиши лозим. Шунингдек, Тожикистон ва Афғонистондаги вазиятга,

умумжаҳон муаммосига айланган Орол фожиясига ҳам мазкур нуфузли ташкилотнинг эътиборини яна бир жалб этдик, бу борада амалий ишларга ўтиш вақти етганини таъкилладик.

Тараққий этган давлатларда сафарда бўлсам, у ердаги туқин ҳаёт, фаровон турмушни кўриб, беихтиёр тарихни эсламан, деди Ислам Қаримов. Шунда буюқ марказлашган давлат бунёд бўлиб, Туронзамин гуллаб-яшнаган, бу ерда яшаган халқлар дунё цивилизациясига улкан ҳисса қўшган даврларда Европа қандай аҳволда эди, нега тарих гилдираги чаппа айланиб кетиб, биз тараққийнинг пастки ўринларига тушиб қолдик, деган саволлар ҳаёлимдан ўтади.

Ана шу вазиятдан чиқиб олишнинг, ҳар бир фуқарога муносиб турмуш шароити яратиб беришнинг йўли борми? Менимча, биз, мана шу азиз юртимизнинг ҳар бир фарзанди куйидаги учта шартга амал қилсак, иншооллох, буюқ орзуларимизга эришгаймиз. Аввало, толемизга шўқрона айтишимиз керакки, гузалликда дунёда тенгсиз юртимиз, меҳнаткаш халқимиз бор. Уларни асрашимиз, авайлашимиз, керак бўлса, бу йўлда қўқимизни қалқон қилишимиз зарур. Иккинчидан, ҳар бир ватандошимиз, миллати, тили, дини, манқеи ва мансабидан қатъи назар, ватан менга нима берди деб эмас, балки мен ватанга нима бердим, унинг равнақи йўлида нима иш қилдим, деган эътиқод билан яшаши лозим. Учтинчидан, энг катта бойлигимиз -- диёримизда қарор топган осойишталик, ҳамжиҳатликни кўз қорачигидек авайлашимиз шарт. Бўйсиз ҳеч нарсага эришиб бўлмайди. Ота-боболаримиз «Бир кун жанжал чиққан уйдан қирқ кун барака кетади», деб бежиз айтмаган.

Ўтиш даврининг мураккабликлари, шу боис иқтисодий аҳволимиз ҳали кўнглимиздагидай эмаслиги, халқимиз вазиятини тушуниб сабр-тоқат билан ҳаёт кеираётганини маълум, деди Президент. Бунинг учун улардан миннатдор бўлишимиз лозим. Лекин ҳеч ким мустақилликка, хурликка осонлик билан эришган эмас. Бу ҳақиқатни ҳам унутмайлик.

Мен Ўзбекистонни 23 миллионли улкан оила деб тасаввур этман, деди Ислам Қаримов пировазлида. Биз ҳамжиҳат бўлсак, ўз кучимизга, табиий ва илмий салоҳиятимизга таяниб иш кўрсак, ёруғ кунларга албатта етамиз, авлодларга орзу этганимиз -- овоз ва обод ватан қолдирамиз! Бунга Конституциямиз халқимизнинг хоҳиш-иродаси сифатида асос бўлиб хизмат қилолмоқда.

Тантанали йиғилишда Республика Олий Кенгаши Раиси вазифасини бажарувчи Эркин Халилов Ўзбекистон Конституциясининг икки йиллиги туғрисида маъруза қилди.

Йиғилишда Республика Бош вазири А. Муталов, Бош вазирнинг биринчи уринбосари И. Жўрабеков, Олий Кенгаш Раиси уринбосари Б. Бўғров, Президентнинг Давлат маслаҳатчилари, Бош вазир уринбосарлари, Тошкентдаги хоржий давлатлар элчихоналари, халқаро ташкилотларнинг вакиллари иштирок этди.

Аҳмад ХУЖА  
(УЗА).

## ВИЛОЯТ САБЗАВОТКОРЛАРИНИНГ МЕҲНАТ ЗАФАРИ

Йиллик режа ошириб бажарилди. 362 минг тоннадан зиёд сабзавот етказиб берилди

ВИЛОЯТ сабзавоткорларининг йил бўйи тер тукичи қилган меҳнати қувончли самара келтирди. Бободехқонларимизнинг бугун юзлари еруғ. Улар элимиз дастурхонига 362 минг тонна урнига 362 минг 270 тонна сабзавот маҳсулотлари тортиқ этиб,

йиллик режани ошириб адо этдилар. Бу ютуққа режасини анча зиёда билан уринлаб, давлатга 46,700 тонна маҳсулот етказиб берган Тошкент тумани, 41,905 тонналик маррани эгаллаган Бўстонлик, 38,652 тонна сабзавот тайёрлаган Зангиота, 34,756 тонна

сабзавот берган Қибрай, 31,660 тонна ноз-неъмат армугон этган Оҳангарон, ялпи ҳосили 29,173 тонналик тошбоған Янгийўл ва режасини 116 фоздан ошириб қўйган Паркент туманларининг даламиришкорлари муносиб улуш қўшилилар. Вилоят сабзавоткорлари-

нинг бу йилги ютуғида пахтакор туманларини дала меҳнатқашларининг салмоқли ҳиссаси ҳам бор. Йиллик режасини 103,4 фозга бажарган Пискент, режасини 100 фозга уринлаган Бўқа, Оққурғон туманлари шулар жумласидандир. Чиноз меҳнатқашлари бу йил, айниқса

яхши ишладилар. Пахтадан юксак хирмон кутариб, ваъдалари устидан чиққан чинозлик азаматлар сабзавот режасини ҳам қойил қилиб уринладилар. Эл дастурхонига 14 минг тоннадан ошириб сабзавот маҳсулотлари етказиб берилди.





Парижнинг ову мадониётлар Мотенинг нуриятини галлари Ерга кўнган (сўёшлар) Катта шохот майдонига Жиноятга жазо тугарраб

ЯНА БИР ТЕМУРНОМА



ТЕМУР ВА ТЕМУРИЙЛАР САЛТАНАТИ

Мамлакатимиз мустақилликка эришгач, буй тарихимиз, ҳавас қилса ариғлик уттишимиз, буюк аждодларимизнинг ҳаёти ва фаолияти ҳолисона берила бошланди...

Алишер Навоийнинг ҳар йилги даромоди 18 минг «шоҳруҳий» динорга тенг бўлган. Бу маблагларнинг дерали ҳаммасини у хариди ишларга, қурилишларга сарф қилган.

Хондамирнинг вазишича, Алишер Навоий уз маблагига 52 работ, 19 ховуз, 16 кўприк, 9 ҳаммом ва бир қанча масжид-мадраса, хонақоҳ ва шифохоналар курдирган.

МУШОИРА-94 СОДИҚ АБДУСАЛОМ 1963 йилда туғилган. Ўзбекистон Фанлар академияси Зоология институтининг аспиранти. Шерларни матбуотда chop этилган.

ТҮЛИН ОЙИМ

Түлин ойим, бугун чиндан түлиб бўлдинг. Узга уйга бир суйимли келин бўлдинг. Узга биров сочларингни уйнар энди, Ҳижрон билан кишанланган қулим бўлдинг.

Илло, менга висолингдан ишора йўқ, Бу дунёда мендан гариб бечора йўқ, Армонларинг бағрим тилар мисоли ўқ, Охир менинг айро тушган йўлим бўлдинг.

Елғиз ҳаёл-уйларимда кўчдим сени, Ер-ер янграб — туй оқшоминг жуққин сенинг Севгим ҳазон, юрагимда кўчи менинг, Умир бўйи яраланган дилим бўлдинг.

Түлин ойим, бугун чиндан түлиб бўлдинг...

Баъзан ҳаёл оғушида Уйга толиб қоламан. Бу дунёнинг ташвишидан Гоҳо нолиб қоламан.

Вужудимни туман босиб Музлаб қолар юрагим. Шу маҳалда сени кўсмаб, Излаб қолар юрагим.

Согинчларинг вужудимда Кузларимни вшлайди.

Сенинг қотан юрагингда Баҳорларим қишлайди. Ич-ичимдан қўшиқ бўлиб, Армонларим отилар. Садокатим сабри тулиб, Аламларга сотилар.

Мухаббатим қайтарилмас, Севгим қайтмас — биламан. Хитраининг сеҳри боис Согинчларга туламан...

1994 -- Оила йили ЮЗ ЙИЛ ЧИРОҚ ЁНГАН ХОНАДОН

Зангиота туманининг «Мустақиллик» жамоа ҳужалигида табарук бир онахон яшайди. Ойимчахон момо бу йил 85 баҳорни қаршилади. Турмушдан, неваралари-ю, чевараларидан хурсандлар. Табарук ховлига борган куним катта оиланинг каттао кичиги йилган экан. Уларга хавасим келди. Қандай ажойиб оналари бор бошлариди. Оилада тотувлик, узаро эҳтиром кучди. Ва яна бир жиҳати «фермер» ҳужаликлари бор. денг. 13 бош қўй, 2 та новвос, зотдор сиғир, олти сотиқ жойдаги иссиқхона. Гуруч, ер ва ундан бўлак барча нарсаси оиланинг ердими ҳужалигидан чиқаркан.

ка эътибор берганлар. Райижроқум олтин тўйимизга атаб «Жигули» автомашинасини совға қилгани ҳамон эсимда. Бари меҳнату ақилликдан, болам. Набирао звараларимга доимо одамлар билан бўлинглар, биров сизлардан ноурин ҳафа бўлмасин, дейман. — Бари онамизнинг фозилликлари, доноликларининг ижобатидан. — дейди Мансур ака Алиев. — Тормоқ, зоргорга асосан Маъмуржон қараса-да, ойимиз доимо бизга раҳнамо, маслаҳаттуй, айтганларига қулоқ тутамиз. Уйимизнинг фаршшаси, неваралари 34 нафар, чаваралари 54, келин-куевлариниям қушиб ҳисобласак, юздан ошди. Қозоқовул деб ном олган (хондор «Иттифоқ» деб аталди) маҳалламизнинг ёшу қарисига аямиз бенҳоя табарук.

Уртакчирик туманига қарашли «Фаҳрия» кичик корхонасининг № 154751-775 рақамли маош чеки йўқолганиги сабабли БЕКОР ҚИЛИНАДИ

Сирғали туманига қарашли ҳужалик ҳисобиди «Транзит» ишлаб чиқариш тижорат бирлашмаси ТУГАТИЛАДИ Давволар бир ой ичида қабул қилинади.

Вилоят ички ишлар бошқармаси матбуот маркази хабар қилади

ШУ ЙИЛ 23 ноябрь кунин Ангрэн шаҳрининг 6/4 даҳасидидаги ўқитувчилар тор қунасида истиқомат қиладиган хонадонларнинг бирида ёнғин чикди. Бунга беш ишар Кристина исмли қизчанинг гуғурт уйнаши сабаб бўлди. Олти дақиқадан сўнг вилка содир бўлган ерга етиб келган ут учирувчилар тутундан лимкииб, ҳушидан кетган. 1905 йилда туғилган Отто Аристонович Гердафельднерни курдилар. Қария «тез ёрдам» машинасида касалхонага жунатилди.

Кейинроқ маълум бўлишича, ёнғин ичида қолиб кетган кекса отаконини техника дийеи талабалари — Музаффар Нормуродов ва Абдунаби Юсуповлар алангдан олиб чиқилган экан. Доворак ўқувчилар жасоратини муносиб тақдирлаш учун вилот егиндан сақлаб бошқармасига тавсиянома юборилган.

Зочдан... Зўжумлашди

Октябрь ойининг охириги кунлари эди. Тунги соат 23 ларда Бўка тумани ички ишлар бўлимининг навбатчилик қисмига совуқ хабар келди. Оққурғон-Бўка-Муротали йўлининг 21-чакқиримида М-67 маркази, 66-65 ТШБ давлат русумли моточиққайдоқчилари фалокатга учраганилиги маълум бўлди. Қандайдир транспорт воситаси билан қаттиқ туқнашув натижасида моточиққ эгалари ҳалок бўлган. Уларнинг ҳаётига зомин бўлган номард ҳайдовчи эса қўчиб қолган.

Туман ДАН бўлимида бошлиғи милиция капитани А. Акмалов раҳбарлигида қидирув ишлари олиб борган изқувларлар бир кун утмасқ «қочоқ» ҳайдовчини ушлашга муваффақ бўдилар. Тергов ишлари бошлаб юборилди.

Олмасида мулламан тўтил

ИСЛОМ Ёросупов қамоқ жазосини ўтиётган пайтда ҳам тавбасига таянмади. Эркин юриш имтиёзининг қадрига етмаган «шум бола» қаттиқ бир режани амалга оширмоқчи бўлди. У узига дарров шерик ҳам топди. Ислом оҳангароналик Қамбарали Абдулхалилнинг машинаси борлигини билиб, уни аврашга тушди.

Муротали кишлоғидан Олмасиқа буюмларимизни олиб келишимиз керак, юз сўм кира ҳақи бераман. Қамбарали юз сўмнинг дарганини эшитгач, кунди. ГА3-24 маркази енгил машина зум ўтмай Муроталига етиб борди. Ислом бамайлихотир ёнидаги қалит билан онасининг уйини очди. 4500 сўмлик гилам, 700 сўмлик палос, бир метри 70 сўмлик аёллар кийимлиги дарров машинага жойланди.

Собири Жамолов илгари ҳам бир неча бор судланган эди

Кейинги пайтда у Бўка шаҳридаги «Қалдирғоч» болалар богчасида қорувол бўлиб ишлаётганди. Тарки одат амримаҳол экан. Эски «касбимни» қўсмаб қолди. Осиленг баланд дорга осил, деганларидек у кўп ҳам эмас, кам ҳам эмас, биратула тракторни уйғирлашга жазм қилди. А. Дўстбеков номли жамоа ҳужалигига қарашли Сувти кишлоғи хонадонларидан бирининг олдига турган «МТЗ-80» тракторини «ҳайлаб кетди. Тўппа-тўпри «Кўкорол»га бориб, қариндоши Омонгелди Қуролова катта пулга сотиб юборди. Хўшёр милиция ходимлари тракторни тезда топиб, ҳужалик иктиёрига қайтардилар. Собир билан Омонгелди эса ўз қилмишларига яраша жазо олдилар.

Ранг-баранг олам ОСМОНДА НУЖЛАР

Егон тайёрловчи Мэн Чжио шериги билан дарактин арралашган эди, беҳосан теспаликларнинг бирида оқ рингдаги катта юмалок нарсани унинг қўли тушиб қолди. Уни ерга тушган метеорология шари деб ҳисоблаб ишбилармон шериклар топилгани бошқарувга олиб бориб, уни қўлайлоқ ва шап-шап тикиш учун сотишга аҳд қилдилар. Бироқ, улар шарга яқинлашшлари билан у ниҳоят даражада кучли овоз чиқара бошлади. Мэн аусту билан жуфтакни ростлаб қолди.

Улар тезда артел бошқарувчиси, партия қотиби ва утти нафарга яқин ишчини ерданга олиб қайтиб келишди. Уларнинг ҳаммаси тепалик остига етиб келишга улгурмасларидан Мэн ерга чаққанча йиқилиб тушиб, ҳушидан кетиб қолди. Ишчилар уни қорувулхонага олиб бориб, яқин қишлоқдан врач чақирдишди. Духтирнинг жароҳатланган сенига келишга бўлган уринишлари зое кетди -- қандайдир куч уни орқага сурарди. Кейинчалик Мэнни уйига олиб бориш мумкин бўлди. Амбулатория даволанишида бўлган Мэн туларнинг бирида уз хонасидан гойиб бўлди. Ягона эшик қўлланган, ойна эса ёпиқ эди. Мэн бир кундан кейин фақат ички кийимда пайдо бўлди. Унинг айтишича, бошқа сайёралик аёл томонидан уйғирлашиб кетилган, узи билан алоқа қилишга мажбур этган. Бу аёл Зухро юлдузидан бўлган, у юлдун июль ойида шумейкесра-леви кометаси билан туқнашишдан бироз вақт олдин тарк этган экан.

Мэнни тиббий тадқиқ қилиш унинг фикрлаш ҳолатида ҳеч қандай узғаришлар бўлмаганлигини кўрсатди. Хитой тиббиётчилари бу гаройиб жумбоқ устида бош қотиришни давом эттирмоқдалар.

Сунгги ун йилликда ХХР устида НУЖ (номаълум учар жисмлар) 5 минг мартадан ортиқ пайдо бўлганлиги қайд этилган. Биргина Пекинда октябрь ойида уларни 26 марта кузатишган. Бундай ликоптиларнинг пайдо бўлганлиги ҳақидаги маълумотлар қайим илмонларда ҳам айтилган. Эримизнинг 315 йиллик битта «қуеш»нинг ерга қўнганлиги ҳамда шундай «ерикчилар» тудаси шарққа томон учиб утганлиги қайд қилинади.

СПОРТ

ШАХМАТ МАЙДОНИДАГИ БЕЛАШУВАЛАР

Москвада ўтказилаётган жаҳон шахмат олимпиадасида Ўзбекистон республикаси илк бор тўла сафда -- эркаклар ва аёллар командаси билан иштирок этмоқда. Шахматчи йигитларимиз бундай халқаро мусобақаларда маълум тажрибага эга. Уларнинг Манила шаҳрида ўтказилган 30-олимпиадада кумуш медални қўлга киритгани кўпчиликка маълум. Улар бу мусобақани ҳам ёмон бошлашмади. Жазоирлик спортчиларни 3:1, Хиндистон

шахматчиларини 4:0 ҳисобиде енгилди. Кейин Испания ва Германия командалари билан бўлган уйинни дуранг натижа билан яқунлаб, хитойлик шахматчиларга 1:3 ҳисобиде ютқазилди. Катта шахмат майдонига илк бор чиққан қизларимиз ҳам Нигерия ва Австралия шахматчиларини 3:0 ҳисобиде, кузи ожиз қизлар жаҳон терма командасини 2:1 ҳисобиде мағлубиятга учратди. Бироқ, Эстония ва Қозогистон терма командалари билан бўлган учрашувларни бой берди. Мусобақа 16 декабрга қадар давом этади. (УЗА МУХБИРИ)

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МОЛИЯ ВАЗИРЛИГИ • ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МАРКАЗИЙ БАНКИ • ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ЖАМГАРМА БАНКИ • ЎЗБЕКБИРЛАШУВ • ЎЗБЕКСАВДО

1994 йилги "СОВГА" лотереясини чиқарди "СОВГА" лотереяси - бу Сизнинг орзуингиз! Бунақаси ҳали бўлмаган. "СОВГА" пул-буюм лотереясида автомобиль, видеоаппаратура, телевизор, мебель комплектлари, гиламлар ҳамда бошқа халқ истеъмолли молларини ютиш имконияти бор.

Ўзингиз ўйлаб кўринг: чиқарилган пул-буюм лотереянинг умумий суммасини 70 фойизини ютуқлар ташкил этади. СОВГА лотерея билетлари Ўзбекистон Жамгарма банкнинг барча муассасаларида, алоқа бўлимларида, савдо ташкилотларида, жамоатчи билет тарқатувчилар орқали сотила бошланди. Сиз Ўзбекистон Жамгарма банкнинг барча муассасалари, шунингдек, 45-35-49, 45-66-43, 33-51-95 телефонлари орқали бу ҳақда янада батафсил маълумот олишингиз мумкин.

"СОВГА" ЛОТЕРЕЯСИ - ОИЛАНГИЗ УЧУН СОВГАДИР!

Билетнинг баҳоси - 10 сўм. Шошилинг! Ютуқлар тиражи 1994 йил 28-29 декабрь кунлари Тошкент шаҳридаги "Наврўз" саройида ўтказилади. ЛОТЕРЕЯ УЙИНИДА ҚАТНАШИБ, ЮТИНГ! СИЗГА ОМАД ЁР БЎЛСИН! Маълумот учун телефонлар: 45-35-49, 45-66-43, 33-51-95.

ТОШКЕНТ ХАҚИҚАТИ TOSKENT HAQIQATI

Муассис: ТОШКЕНТ ВИЛОЯТИ ХОКИМЛИГИ

Мухаррир: Фатҳиддин МУХИДДИНОВ

Манзилими: 700000, Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кучаси, 32.

Телефонлар: хатлар ва оммавий ишлар бўлими: 33-40-48 Ўзлонлар: 33-99-15, 32-57-27.

Мақолалар, эълон ва билдирувлардаги факт ҳамда далилларнинг тўғрилиги учун муаллифлар, реклама ва эълон берувчилар масъулдир. Фойдаланилмаган мақолаларга эзма жавоб қайтариламайд.